БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 12 май
Шанба
№ 90 (13. 526).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ШАХСИЙ ХЎЖАЛИГИДАГИ МОЛЛАР ВА ПАРРАНДАЛАРНИ ЕМ-ХАШАК БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАРДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда аҳоли шахсий хўжаликларининг муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олиб ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун уларни ем-хашак билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайман:

1. 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб колхоз ва совхозларнинг тайёрлаш планини бажаришда улар аҳолига сотадиган хашак ва ширали ем-хашак ҳисобга олинсин.

Ўзбекистон ССР Давлат кооператив қишлоқ хўжалиги комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда ҳар бир шартли бош мол ҳисобига 250 килограмм хашак ва 150 килограмм ширали ем-хашак, 1991 йилда 550 килогрмм хашак ва 300 килограмм ширали ем-хашак сотишини таъминласинлар. Ҳар йилги планларда аҳолига ем-хашак сотиш ана шу нормаларга нисбатан кўпайтирилиши кўзда тутилсин.

2. 1990 йилда аҳолининг шахсий хўжаликларига сотиш учун давлат ресурсларидан ҳар бир шартли бош молга ўрта ҳисобда (ҳар бир сигирга) камида 150 килограмм аралаш ем, 30 килограмм шулҳа, 50 килограмм кунжара ва шрот, 1991 йилда 160 килограмм омихта ем, 60 килограмм шулха ҳамда 50 килограмм кунжара ва шрот ажратилсин. Келгуси йилларда ана шу нормаларни кескин ошириш имконияти қидириб топилсин.

3. Ҳар бир посёлка қишлоқ ва Овул Совети ҳузурида халқ депутатлари ва фаоллардан иборат комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг зиммасига давлат ресурсларидан бериладиган ем-хашакларни, шунингдек колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликлари учун ажратадиган хашак ва ширали ем-хашакни тақсимлаш вазифаси юклатилсин. Ем-хашак келишиб олинган нархларда сотилсин, айрим хўжалик, район ва умуман регионнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, шахсий хўжаликлар билан шартномалар тузиш рағбатлантирилсин.

4. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ҳамда район ва шаҳар ижроия комитетлари давлат ресурсларидан аҳолига ажратиладиган ем-хашақ жамғармаларининг эгалари эканлиги белгилаб қўйилсин, улар посёлка, қишлоқ ва овул Советларига ана шу ем-хашакни сотиш учун тақсимлаб, айни вақтда талонлар билан таъминлайдилар. Посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг комиссиялари аҳоли шахсий хўжаликларига давлат ресурсларидан, Ўзбекбирлашув базалари ва савдо тармоқлари орқали кучли ем-хашак, шунингдек шахсий хўжаликларда рўйхатга олинган ҳар бош мол ҳисобидан колхоз ва совхозлар ажратадиган хашак ва ширали ем-хашак сотиб олиш учун талонлар беради.

5. Ўзбекистон ССР Давлат қишлоқ хўжалик кооператив комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари аҳолининг шахсий хўжаликларига бошқа регионлардан келтирилаётган наслдор қорамоллар, шунингдек республика колхоз ва совхозларида етиштирилаётган наслдор ва насли яхшиланган моллар ҳисобидан ёш бузоқлар ва паррандалар сотишни кўпайтирсинлар.

1990 йил мобайнида ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Советида гражданларнинг шахсий хўжаликларидаги молларга зооветеринария хизмати кўрсатадиган хўжалик ҳисобидаги пунктлар ташкил этилсин.

6. Ўзбек агросаноат банки аҳолига улар мол ва парранда сотиб олишларида ёрдам кўрсатиш учун колхоз ва совхозларнинг талабномаларига мувофиқ кредитлар ажратилсин.

7. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

ушбу фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин, унда колхоз ва совхозларни ем-хашакни кўпайтиришга рағбатлантириш ва ем-хашак билан аҳоли хўжаликларини устун даражада таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтирганлик учун ем-хашак билан натура тарзида ҳақ тўлашни кенг жорий этиш юзасидан тадбирлар туркуми кўзда тутилсин;

ушбу фармонни бажариш устидан қатъий назорат ўрнатилсин ва ярим йилда бир марта системали равишда унинг рўёбга чиқарилиши тўғрисида маълумот берилсин, текшириш материаллари матбуотда ёритилсин ва телевидение орқали эшиттирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.



Қизлар тикувчилик фабрикасидами? Адашаяпсиз. Бу Қарши ноҳияси «Москва» давлат хўжалигидаги 38-мактаб тикув устахонаси. Аввалги эски шалоғи чиққан мактаб ўрнига 241-Бешкент ПМК қурувчилари янгисини бунёд этдилар. Мактаб қурилиши учун 1 миллионга яқин маблағ сарф этилди. Янги масканда ўқувчилар учун барча қулайликлар муҳайё.

СУРАТДА: ўқувчилар мактаб тикув устахонасида.

Ш. ШАРОПОВ сурати (ЎзТАГ).

БАЙРАМЛАР ШАРАФИГА

Улуғ Ғалабанинг 45 йиллиги кенг нишонланган куни Урганч шаҳридан йўлга чиққан велоюришчилар пойтахтга етиб келишди. Бу велоюришни вилоят комсомол қўмитаси ва пойтахтдаги Ҳамза ноҳия комсомол қўмитаси ҳамкорликда ташкил этиб, уни Ғалаба байрами ҳамда Хоразм комсомолининг 70 йиллигига бағишлашди.

Велоюриш қатнашчилари Туркманистон ССРнинг Дарғонота, Чоржўй ҳамда Бухоро, Самарқанд шаҳарлари бўйлаб жами 1250 километр масофани ўн кунда босиб ўтишди.

Юриш пойтахтдаги қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш корхонаси саҳнидаги «Мангу олов» ёдгорлиги олдида ниҳояланди.

Велоюришни муваффақиятли амалга оширишда тренерлар Б. Бобожонов, О. Жуманов, М. Ражабов, В. Бусаргин ва К. Файзиевлар ўз ғайрат ва маҳоратларини аяшмади. Айни пайтда Чоржўй, Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоят комсомол қўмиталарининг кўрсатган ёрдамларини таъкидлаш керак.

ЎзЛКЕИ Марказий Қўмитаси муваффақиятли ўтган велоюриш иштирокчилари — Гурлан ноҳиясидаги 12-хунар-техника билим юрти ва пойтахтдаги 1-хунар-техника билим юртининг йигирма беш нафар талабасини фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

Ниятимиз келгусида ҳам ҳамкорликда иш тутиб, жумҳуриятлараро велоюришни амалга ошириш.

У. ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилояти комсомол қўмитаси шўъба мудири.

М. РАЖАБОВ,
Тошкент шаҳар Ҳамза ноҳия комсомол қўмитаси спорт бўлими мудири.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ СССР ОЛИЙ ШЎРОСИГА МУРОЖААТИ

СССР Куролли Кучларида муддатли хизматга чақирилувчи ҳарбий хизматчиларнинг турли сабабларга кўра, шу жумладан, ноустав муносабатлар ва миллатлараро низолар чиқиши натижасида ўлиш ҳоллари давом этаяпти.

Бундай ҳодисалар турли хил вазирликлар ва маҳкамаларга бўйсунувчи ҳарбий қурилиш қисмларида, қўшинларда ва бўлинмаларда, айниқса, оммалашгандир.

Мазкур муаммо, фикримизча, ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлашнинг сустлиги мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни эътиборга олмаган ҳолда Қуролли Кучларни тўлдиришга эскича ёндашиш, ҳарбий хизматчилар етарли даражада ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилинмаганлиги туфайли юзага келган.

Бу СССР Қуролли Кучларининг обрў-эътиборига катта зарар келтираяпти, армияга қарши кайфиятнинг ўсиб боришига олиб келаяпти, айниқса, Ўрта Осиё ва Кавказорти музофотларида, Болтиқбўйи жумҳуриятлари ва бошқа жойларда ёшларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқараяпти.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси СССР Олий Шўросига СССР Қуролли Кучлари фаолияти билан боғлиқ бўлган биринчи галдаги масалалар қаторида қуйидагиларни кўриб чиқиш:

— СССР Мудофааси тўғрисидаги қонунни қабул қилишни жадаллаштириш;

— СССР Қуролли Кучларида жанговар хизматни ўташга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар учун, шу жумладан, чақирилувчилар яшайдиган иттифоқдош жумҳуриятлар доирасида ноҳарбий (муқобил) хизматни жорий этиш;

— СССР Қуролли Кучларига кирмайдиган вазирликлар ва маҳкамаларга бўйсунувчи ҳарбий қисмларни тугатиш;

— муддатли хизматни ўтовчи ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига моддий товон тўлашни жорий қилиш;

— СССР Ҳарбий-Денгиз Флотида ва Давлат хавфсизлик қўмитаси Сарҳад қўшинлари денгиз қисмларида матрослар ҳамда старшиналар учун хизмат муддатларини қисқартириш;

— муддатли хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларга йилига кафолатланган отпуска бериш;

— муддатли хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул таъминотини ошириш, мураккаб физик-жўғрофик ва иқлимий шароитларда хизматни ўтаётганлиги учун уларга ҳам коэффицентлар ва қўшимча ҳақ қўшиш:

— ҳарбий ўқув муассасаларини тугатганидан кейин ёш зобитлар ва прапоршчиклар ўз ихтисоси бўйича хизмат қилишини кафолатлаш, уй-жой, уларнинг оила аъзоларини ишга жойлаштириш масалаларини зудлик билан ҳал этиш тўғрисидаги таклифлар билан мурожаат этади.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ПЛЕНУМИДА 1990 ЙИЛ 4 МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Тадбиркорлар диққатига!

ҲОМИЙЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Москвадан Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасига хабарнома келди: «СССР ва Амирқо улғаётган сардорлари учрашуви қатнашчиларидан бир гуруҳини қабул қилишларингизни сўраймиз...»

Бу сиқиқ сатрларнинг замирида нималар яширинганлигини барча муштарийлар ҳам тушунишлари қийин. Шунинг учун биз қўмита раисининг ўринбосари А. КОШКИНдан ушбу хабарномани шарҳлаб беришини илтимос қилдик.

— Андрей, аввало «улғаётган сардорлар учрашуви» деган иборанинг нимани англатишини айтсангиз. Ҳар ҳолда, у ёшларнинг халқаро алоқаларидаги янги ҳаракатга ўхшайди.

— Дарвоқе, шундай. 1988 йилнинг декабрида юзага келган бу мулоқот Совет—Амирқо ёшлари ҳамкорлиги тарихида чуқур из қолдирган воқеа бўлди. У икки йирик мамлакат ёшлари ва болаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисидаги уйғун дастурга биноан юзага келганди. Учрашувнинг аҳамиятини шундан ҳам билса бўладики, унинг иштирокчиларини М. С. Горбачев ва Амирқо президенти Жорж Буш ажойиб мулоқотнинг бошланиши билан қутлаган эдилар. Учрашувнинг натижалари кенг миқёсда акс-садо берди. КПСС Марказий Қўмитаси уни яхши баҳолади. Мулоқотдан сўнг икки мамлакат ёшлари ўртасида иқтисодий, экологик, фан ва техника соҳасидаги алоқалар уфқи тағин-да кенгая бошлади...

— Уша учрашувда жумҳуриятимиздан кимлар қатнашган эди?

— Афсуски, ҳеч ким... Энди — шу йил 17—29 июнь кунлари ана шундай жавоб учрашувини СССРда ўтказиш мўлжалланмоқда.

— Ундан қандай мақсадлар кўзда тутилган?

— Учрашувнинг асосий мақсадлари, мавжуд тажрибаларни бойита бориб, ёшларнинг халқаро алоқаларидаги эътиборини нисбатан фойдали соҳаларга қаратиш. Бу, аввало, турли мамлакатларнинг улғайиб келаётган сардорларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамланиши демакдир. У комсомол ва ёшларнинг бошқа ташкилотлари фаоллари, ёш совет раҳбарлари ҳамда мутахассислари учун халқаро миқёсларда ишлаш тажрибасини орттиришда, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, хўжалик, илмий ташкилотлари билан танишиш имконини беради. Бу эса уларнинг сиёсий ва профессионал камолотига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилади.

— Учрашув СССРнинг қайси шаҳрида бўлиб ўтади?

— Мулоқотнинг асосий тадбирини Сочи шаҳрида 21—26 июнь кунлари ўтказиш кўзда тутилмоқда. Унда ҳар икки томондан 200 нафаргача киши қатнашиши режалаштирилган. Оромгоҳлар шаҳрида Совет—Амирқо ёшларининг конференцияси ҳам бўлиб ўтади. Бунда, СССР ва АҚШ «улғаётган сардорлари» мулоқоти қатнашчиларининг касб-корига қараб, 17 комиссияга бўлинган ҳолда иш олиб бориши мўлжалланмоқда. Улар сиёсий арбоблар, санъат ва ижод, халқаро иқтисодиёт ҳамда савдо, ҳарбий, меҳнат ва бошқариш, маориф, дин табиёт ва соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо комиссиялардан иборат бўлади. Бундай «бўлиниш» конференцияни амалиёт билан боғлаш, икки мамлакат ёшларининг турли соҳаларда қилажак ҳамкорликларини пишиқ-пухта режалаштиришга шароит яратади.

Булардан ташқари, амирқолик вакиллар 18—21 июнь кунлари Иттифоқдош жумҳуриятларда ҳам бўладилар. Ёшлар билан учрашувлар уюштирилади. Бу учрашувнинг кенг миқёсда, эркин ўтишига замин бўлади. Маҳаллий комсомол қўмиталари ва Ёшлар ташкилотлари қўмиталарига амирқолик тенгдошларимиз билан бевосита алоқалар ўрнатиш имконини беради.

— Ўзбекистонга қайси комиссия аъзолари келишади?

— Жумҳуриятимизга фан ва техника комиссиясининг келиши кутилмоқда. Унинг таркибида телекоммуникация муаммолари билан шуғулланувчилар, токсикология бўйича тадқиқотчилар, меҳнат тигиенаси, чиқитларни қайта ишловчи, работотехника корхоналари ва ташкилотларининг вакиллари бўлади. Дейлик, ҳозир шаҳарларимизда қопламасимли (кабелли) ойнаи жаҳон кўрсатувлари ривож топмоқда. Ана шундай масалалар билан шуғулланувчи ширкат аъзолари Амирқо телекоммуникация корхоналарининг вакили билан танишиши, ўз маҳсулотини реклама қилиши мумкин.

Гап шундаки, СССР ва АҚШ улғаётган сардорлари учрашувига сарфланадиган маблағнинг тахминан ярмини ана шундай ҳомий корхона, ташкилот ва уюшмаларнинг ҳисобидан тўлдириш мўлжалланмоқда.

— Дейлик, мен ширкат ёки корхона раҳбари сифатида учрашувни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқчи бўлсам, бундан ишхонам нима манфаат кўради?

— Аввало, корхонангиз маҳсулотларини Амирқодек ривожланган юртда тарғиб (реклама) қилиш каби машаққатли ва сергалва ишни осонгина ҳал этган бўласиз. Мабодо, ҳозир хорижга чиқаришга арзигулик маҳсулотингиз йўқ бўлса ҳам, ҳафсалангиз пир бўлмасин. Агар сиз мулкдан мулк ясамоқчи бўлсангиз, узоқни кўзланг. Амирқодан «ўз оёғи билан» келадиган тижорат, фан ва маданият аҳли билан учрашишдек қулай имкониятни қўлдан бой берманг. Сиз раҳбарлик қилаётган корхона ёки ташкилот бугун вилоят, жумҳурият ёки мамлакат миқёсида фаолият кўрсатаётган бўлса, халқаро майдондаги бундай мулоқотлардан сўнг, хорижга чиқишингизга, валюта ишлашингизга имконият туғилади.

— Хўш, бундай қулайликдан фойдаланишим учун корхона ёки хўжалик сардори сифатида мен нима қилишим керак?

— Маълум миқдордаги пулни (ўзаро келишув асосида) ижарачилар ҳисобига ўтказасиз. Биз эса тижорат ва учрашувларнинг кўнглингиздагидек бўлишига кафолот берамиз. Бошқа қўшимча маълумотларни олиш учун Тошкентдаги қуйидаги рақамли телефонларга сим қоқишингиз мумкин:

39-17-85,
39-15-89.

Озод ОЧИЛ суҳбатлашди.

Мавзуга қайтиб

САВОБЛИ ИШГА КИРИШДИК



Рўзномамизнинг ўтган йил 21 июнь сонида «Қаровсиз қадамжо» сарлавҳали танқидий мақола берилган, унда қадимий Хиванинг ноёб обидаларидан бири Саид Моҳи Рўйи Жаҳон (халқ тилида—Саид Муғримжон) мадрасаси эътибордан четда қолгани, маданий сўқирлигимиз ва лоқайдлигимиз оқибатида муқаддас қадамжо ўт-ўланлар «оғушида», кимёвий дорилар асраладиган омбор вазифасини ўташга маҳкумлиги кескин танқид қилинганди.

Орадан бир йилча вақт ўтди. Хўш нима ўзгарди? Хива ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котибаси Г. МАТКАРИМОВА билан мухбиримиз мулоқоти шу хусусда.

— Гулираъно, муштарийлар ажабланиши мумкин: комсомол қўмитаси қадим обидалар сақланишига масъул бўлмаса. Шу тармоқнинг нонини еб юрган одамлар бор, қолаверса ижроқўм...

— Гапингизга тушундим. Сўзимни бошидан айтай. Ўтган йил рўзномада мақола ёритилиши билан мазкур мадрасани бориб кўрдик, шароитни атрофлича ўргандик ва бу масалани бюро мажлисида муҳокама қилдик. Саид Моҳи Рўйи Жаҳон мадрасасини ёшлар ва барча кишилар кўрадиган, зиёрат қиладиган, маданий дам оладиган қадамжога айлантириш ғояси ўшанда туғилди. Комсомол қўмитаси барча ташкилий тадбирларни ўз зиммасига олди. Иш бошламасида, аввало шанбалик ўтказиб, мадраса ичкариси ва ташқи саҳнини обдон тозаладик.

— Мадрасанинг ёрдамчи ҳужраларида турли-туман ташкилотлар жойлашганди. ОПД деган идоранинг кимёвий дорилари асралаётган, Саид Муғримжон қабри пойида эшикойна ясаш устахонаси фаолият кўрсатарди. Мадраса шу ташкилотлардан ҳам тозаландими?

— Узоқ йиллар бефарқлигимиз оқибати Хиванинг қатор мадрасаларидан бошқа мақсадларда фойдаланиб келинди. Саид Моҳи Рўйи Жаҳон мадрасаси чекига ҳам шундай хизмат тушган. ОПД идораси ўзига янги бино қуриб, мадрасани тарк этди, кимёвий дорилар омбори тугатилди. Мадраса бутунлигича «Достон» фольклор этнографик уюшмаси ихтиёрига ўтди. Комсомол қўмитамиз томонидан тузилган бу уюшманинг фаолияти ранг-баранг: қадимий миллий урф-одатларни, аждодлар тафаккури, боболар санъати турларини оддий, ҳаётий усулда тарғиб қилишга мослашган. Масалан, мадрасада мавжуд ўн иккита ҳужранинг ҳар биридан махсус мақсадларда фойдаланилади. Биттасида Хоразм мақомлари тарихи, мақом мактаби намояндалари ҳаёт-фаолияти, чолғу ва эсдалик буюмлари қўйилса, яна биттасида воҳада яшаб ижод қилган шоирлар тўғрисида худди шундай маълумотлар тўпланади. Бир ҳужранқ Паҳлавон Маҳмуд издошлари — воҳанинг машҳур полвонлари ҳаётини тарғиб қилишга ажратамиз. Яна бир ҳужрани...

— Кечирасиз, Гулираъно, сўзингизни бўламан. Ҳужралардан музей сифатида фойдаланилар экан-да. Ичон қалъа музей — қўриқхонанинг ўнлаб музейлари келтираётган маблағ ҳатто ишчи-хизматчиларни ойлик маош билан таъминлашга зўрға етади-ю!

— «Достон» уюшмасининг асосий мақсади — халққа, сайёҳларга хизмат кўрсатишдан ва шу орқали қадим маданиятимизни тарғиб қилишдан иборат. Шу ниятда ҳужранинг бирисини оқсоқоллар чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирадиган гўшага, яна бирисини овоз ёзиш студиясига айлантирамиз. Бу ерда Хоразм маданияти, санъати, адабиётининг «олтин фонди» тўпланади, ҳоҳловчиларга ёзиб берилади.

Уюшмада миллий кийимлар тикиш устахонаси ишлайди. Кўргазма дўкончада эса доривор ўсимликлар, кўкатлар ва мевалар: янтоқ гули, ўсма, хирмон жийда, йилбўйи, тутшинниси ва майизи, ўрик майизи, арпабодиён, гулиқанд, исириқ тайёрланиб, харидга чиқарилади. Бу нарсаларга сайёҳлар ўртасида ҳам, халқ орасида ҳам қизиқиш катта.

— Бу мадрасада салкам ярим аср Хива тахтида ўтирган, замонасининг ўқимишли, ўта иқтидорли кишиси бўлмиш — Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз дафн қилинган. Уни хассос шоир, бетакрор бастакор, адолатпарвар хон сифатида таърифлашади. Сўрамоқчиман, қабрнинг тақдири нима бўлмоқда?

— Феруз ва Саид Моҳи Рўйи Жаҳон қабрлари зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Мадраса ичкарисида — Феруз қабри рўпарасидаги асрий гужум қуриб қулаб тушганди. Унинг шохларини чиқариб ташладик. Ҳайбатли танасининг бир қисмини қолдирдик, ниятимиз гужум танасига Феруз сиймосини тушириш. Яна уюшма тасарруфида Феруз чойхонаси ҳам бўлади. Бу ерда шифобахш ўсимликлар қўшиб тайёрланган чой, жўхори унидан ёпилган зоғора, маҳаллий қизил гулдан тайёрланадиган гулқанд ва хива чўраги пиширилади. Юқорида санаб ўтилган эзгу ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Дастлабки ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳам бор. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, «Достон» уюшмасига Ўрта Осиё, Қозоғистон, Доғистон ҳамда Кавказорти бахшилари синовининг ғолиби Норбек Абдуллаев бошчилик қилмоқда. Бу киши хоразмлик машҳур Бола бахшининг фарзанди. Уюшмага қобилиятли ёшларни жалб этиш, мижозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш — осон эмас. Уюшма шартномага кўра маданий тадбирлар: байрамларда кечалар ўтказиш, концерт хизмати кўрсатишни зиммасига олади. Яна бир гап эсимдан кўтарилибди: уюшмада эски ўзбек ёзувини ўргатиш тўгараги очяпмиз.

— Комсомол ходимларининг бошламалар ҳақидаги суҳбатларини тинглаётиб, албатта бир савол туғилади: маблағ масаласи қандай ҳал бўлди ёки бўлмоқда?

— Ҳозирда мадраса ҳужраларини таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Таъмирлаш ва уюшманинг қатор хизмат турларини ишга туширишни тезлаштириш масаласида маблағдан қийналяпмиз. Иш ихтиёримиздаги озроқ маблағ эвазига бошланди. Бу ёғи... Вилоят комсомол қўмитасига мурожаат қилдик. У ердан бир тийин ҳам маблағ йўқ, деган жавоб эшитдик. Худди шу масалада кеча катта раҳбаримиз А. Н. Носиров ҳузурига чиқишимизга тўғри келди. Азиз Носирович, ЭМХО ташкилотидан вакиллар юбориб, уюшма фаолияти билан танишиб, ёрдам беражагини айтди. Аммо маблағ масаласи барибир ҳал бўлмади. Маълум бўлишича, ўтган икки йилда вилоятимиз комсомол қўмитасига ажратилган юз минглаб маблағ керакли ўринларга сарфланмаган ёки ҳамон ҳаракатсиз ётибди.

— Демак, боядан бери беҳуда гапираётган эканмиз. Савобли иш тўхтаб қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас экан-да!

— Асло. «Ёш ленинчи» уюшмамизни ўз оталиғига олди. Махсус ҳисоб жамғармасини очдик. Қадим маданиятимиз тақдири, боболаримизнинг бой меросини авлодлар қалбига сингдириш, келажакка етказишдек хайрли ишга ўз улушини қўшадиган саховатли одамлар, корхона ва ташкилотлар топилади.

— Хайрли ишларингизга ривож тилаймиз.

РЎЗИМБОЙ суҳбатлашди.

РЕДАКЦИЯДАН: қадим обидага лоқайд ёндашув ҳақдаги танқидий чиқишимизга жавобан эзгу ишни бошлаган хивалик комсомол ходимларининг ташаббуслари таҳсинга лойиқ.

Рўзномамиз «Достон» фольклор этнографик уюшмаси ҳисоб жамғармасига беш юз сўм пул ўтказишга қарор қилди. Шунингдек, кейинги ойда ёшлар куни ҳамда Хоразм комсомоли 70 йиллиги муносабати билан Хивада «Ёш ленинчи» байрами ўтказиб, тушган барча маблағни шу ҳисобга қолдириш режамиз бор. Савобли ишдан четда қолишни истамаган корхона ташкилотлар эътиборига ҳисоб жамғарма манзилини маълум қиламиз: Хива шаҳри, Гагарин кўчаси, 25-уй, Турар-жой социал банки, счёт 46167.

ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

«ОРОЛБЎЙИ ЗОНАСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА»

ВЛКСМ XXI съезди экологик ҳалокат — Орол денгизи қуриши натижасида аҳвол кескинлашиши юзага келганлиги муносабати билан ташвиш изҳор этади.

Оролбўйи минглаб аҳоли пунктлари учун экологик офат зонасига, юз минглаб инсоний тақдирларнинг фожиасига айланди.

СССР Олий Шўроси, СССР Вазирлар Кенгаши, КПСС Марказий Қўмитаси, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва бошқа ташкилотлар томонидан қабул қилинган комплекс чора тадбирлар суст ва тўла бўлмаган ҳажмда рўёбга чиқарилаётганлиги, санитария-эпидемиологик муҳит ёмонлашиб бораётганлигидан ташвишга тушиб, экологик кулфат кенг қамровли, вазифалар катта ҳажмли ва бугунги кунда зудлик билан ёрдам кўрсатиш зарурлигидан келиб чиқиб, ВЛКСМ XXI съезди қарор қилади:

1. СССР Олий Шўроси, СССР Вазирлар Кенгаши, КПСС Марказий Қўмитасидан:

— Оролбўйи муаммолари юзасидан 1988 йил 19 сентябрдаги 1110-сон КПСС МҚ ва СССР Вазирлар Кенгаши қарорининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш ва назорат қилишни кучайтириш;

— Орол денгизини қутқариб қолиш концепциясини ишлаб чиқишни жадаллаштириш;

— халқаро ҳамжамиятга имкони борича ёрдам кўрсатиш илтимоси билан мурожаат қилиш сўралсин.

2. СССР Вазирлар Кенгашига, СССР Мудофаа вазирлигига Оролбўйи музофотига ҳарбий объектларнинг жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ ёки йўқлигини кўриб чиқиш тўғрисидаги таклиф билан кирилсин.

3. Вазирлар Кенгашига Оролбўйи болалари ва ўсмирлари учун соғломлаштириш маркази ва кашшофлар лагери қурилишига маблағ ажратиш тўғрисидаги таклиф билан кирилсин.

4. Янгидан сайланадиган ВЛКСМ Марказий Қўмитасига:

— офат зонасидан бўлган болаларнинг дам олиши, соғломлаштирилиши ва даволаниши учун Бутуниттифоқ кашшофлар лагерларидан қўшимча ўринлар ажратиб бериш;

— Оролбўйи болалар муассасаларига бир пайтнинг ўзида молиявий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

5. Комсомол қўмиталарига, кашшофлар ташкилотларига, ёшлар марказларига ва ёшларнинг бошқа хўжалик ҳисобидаги тузилмаларига:

— Орол денгизини қутқариб қолиш юзасидан ёрдам жамғармаси ташкил этишда кўмак кўрсатиш;

— Оролбўйи ҳудудида жойлашган шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталари билан жумҳуриятлар, ўлкалар, вилоятлар оталиқ алоқалари ўрнатиш;

— ўз жумҳуриятларида, ўлкаларида, вилоятларида Оролбўйи музофотидан бўлган болалар, ёш оилалар дам олиши ва даволаниши учун имкониятлар излаб топиш ҳақида мурожаат қилинсин.

«НОГИРОНЛАР МУАММОЛАРИГА МУНОСАБАТ ТЎҒРИСИДА»

Съезд жамиятимиздаги ногиронларнинг аҳволидан алоҳида ташвишга тушаётганлигини изҳор этади. Ногиронлар муаммолари юзасидан давлат ҳаракатномаси тезроқ эълон қилиниши ва ногиронлар тўғрисида СССР Қонуни қабул қилиниши зарурдир.

Съезд давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармалари ногиронларга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришлари зарур, деб ҳисоблайди.

Ногиронларнинг мавжуд бўлган интеллектуаль, ижодий ва маънавий имкониятларидан жамият фаровонлиги ва инсоннинг ўзи учун янада самарали фойдаланиш керак. Жамиятда хайрия фаолияти оёққа туриб олишида ҳар жиҳатдан кўмак ва ёрдам кўрсатиш зарурдир. Бу ногиронларнинг ва улар уюшмаларининг мустақил фаолиятини рағбатлантириш лозим бўлади.

Съезд комсомол корхоналарига ўз иқтисодий фаолиятида мазкур ижтимоий гуруҳни эътиборга олишига мурожаат қилади.

«ЧЕРНОБИЛЬ АЭСИДАГИ АВАРИЯ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАСИ БОРАСИДА»

Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг ўз вақтида эмаслиги ва паст самарада эканлиги, радиоактив ифлосланиш зоналаридаги ишнинг ҳақиқий аҳволи жамоатчиликдан яшириниб келинганди, ана шу ҳудудларда истиқомат қилишни тартибга солиб турувчи қонуний нормаларнинг йўқлиги сабабли ҳам ташвишга тушиб, ВЛКСМ XXI съезди қарор қилади:

1. СССР Олий Шўросига:

— экологик офат зонаси тўғрисида, радиоактив ифлосланган ҳудуд тўғрисида СССР Қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, мазкур ҳудудларда яшаётган ва яшаган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш;

— 1990 йил апрелида «Чернобиль АЭСи аварияси оқибатларини тугатиш юзасидан ягона иттифоқ-жумҳурият ҳаракатномасини» кўриб чиқиш ва қабул қилиш;

— авария оқибатларини бартараф этишнинг боришини назорат қилиш, унинг сабабларини аниқлаш, 1986-1989 йиллар даврида амалдор шахслар, фирқа ва шўро раҳбарларининг, ҳукумат комиссияси аъзоларининг фаолиятини баҳолаш учун СССР халқ депутатларидан иборат комиссия тузиш;

— жабрланган ноҳияларнинг аҳолисини, биринчи навбатда болаларни доимо соғломлаштириб борадиган давлат ҳаракатномасини ишлаб чиқиш;

— халқаро ҳамжамиятга, хорижда яшаётган ватандошларга имкон борича ёрдам кўрсатиш, шунингдек аҳолини, айниқса, болаларни жабрланган ҳудудлардан кўчириш ва даволаш илтимоси билан мурожаат этиш;

— қонуний тартибда авария натижалари, унинг оқибатлари ва уларни бартараф этишнинг бориши билан боғлиқ бўлган масалаларда тўла ошкораликни таъминлаш, ана шу маълумотлардан маҳфийликнинг барча турларини олиб ташлаш;

— СССР Вазирлар Кенгашига:

— аҳолини ёппасига тиббий кўрикдан ўтказиш ва ҳудуднинг радиологик ифлосланишининг статистик маълумотларини олиш, радиация омилларнинг инсонга ва атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсирига комплекс баҳо бериш учун малакали мутахассислар экспедициясини юбориш;

— фақат радиоактив ифлосланиш даражасини эмас, балки табиий шарт-шароитлар, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш ва тоза озиқ-овқат билан таъминлаш, болалар саломатлигини муҳофаза қилишни ҳам эътиборга олувчи аҳоли хавфсиз яшашининг концепциясини ишлаб чиқиш;

— авария оқибатларини бартараф этиш юзасидан СССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида муваққат номаҳкама ижроия орган ташкил этиш;

— Чернобиль АЭСи блокларини 1995 йилгача босқичма-босқич сафдан олиш ва бўшаган мутахассислардан фойдаланиш ҳаракатномасини ишлаб чиқишни топшириш талаблари билан мурожаат этилсин.

2. ВЛКСМ Марказий Қўмитасига Чернобиль АЭСидаги жабрланган ноҳиялар комсомол ташкилотларига ёрдам кўрсатишнинг узоқ муддатли комплекс ҳаракатномасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар Марказий Кенгаши ВЛКСМ МҚ «Артек», «Орленок», «Океан» кашшофлар лагерларида имкони борича, Украина ЛКЁИ МҚ, Белоруссия ЛКЁИ МҚ, ВЛКСМ жабрланган ноҳиялардаги бошқа ВЛКСМ қўмиталари билан келишилган ҳолда кафолатланган жой ажратсин.

ВЛКСМ МҚ «Спутник» халқаро ёшлар сайёҳ-сафар бюроси ўз соғломлаштириш муассасаларини жабрланган ноҳиялардаги ўқувлар, 5 ёшгача болалари билан оналарга имконияти борича шарт-шароит яратилган кафолатланган миқдорда ўрин ажратишни таъминласин.

4. ВЦСПСдан Евпатория шаҳридаги «Юний ленинец» кашшофлар лагерини болалар радиология марказига ўтказишни; зарарланган ноҳиялардан болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш учун мамлакатдаги касаба иттифоқи лагерларида, шунингдек, дам олиш уйларида болалари билан оналар учун етарли ўрин ажратилиши, уларда малакали диагностик-тиббий хизмат уюштирилиши сўралсин.

5. СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ВЛКСМ МҚ кашшофлар лагерларида болалар ва ўсмирларни шифолаш ва соғломлаштириш учун тегишли асбоб-ускуналар ва мутахассислар тезликда ажратиш илтимоси билан мурожаат қилинсин.

СССР Вазирлар Кенгашидан ана шу болалар ва ўсмирларнинг яшаши, овқатланиши ва уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун қўшимча фондлар ва маблағлар ажратиш сўралсин.

6. Мамлакат комсомол ташкилотларига, меҳнат жамоаларига 1990 йил 21 апрелдаги шанбаликда ишлаб топилган маблағларни СССР Уй-жой ижтимоий банкидаги «Жабрланганларга ёрдам халқ жамғармаси» 700182-сон ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги кўпдан-кўп таклифларни қўллаб-қувватлаш илтимоси билан мурожаат қилинсин.

7. СССР халқ депутатлари II Съездига мурожаат қилган ВЛКСМдан СССР халқ депутати гуруҳининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, мамлакат комсомол ташкилотларига:

— жабрланган музофотлардан мактаб ёшида бўлган болаларни юқори синф ўқувчиларининг меҳнат-роҳат лагерларига, кашшофлар лагерларига қабул қилиш;

— ўз жумҳуриятларида, ўлкаларида ва вилоятларида жабрланган ноҳиялардан болалар, ёш оилаларнинг дам олишини ташкил этиш имкониятини излаб топиш, уларни ўз хонадонларига меҳмонга таклиф этиш;

— бошқа ҳудудларга кўчиб бориш истагини билдирган ёш оилаларга кўмак кўрсатиш юзасидан ВЛКСМ МҚ, комсомол қўмиталари, «Комсомольская правда» рўзномаси ҳузурида штаб ташкил этиш таклиф қилинсин.



Опа-сингил Ибодат ва Бирозия Ҳайдаровалар асли фарғоналик. Риштонда яшашади. Шу ердаги йигирув-тўқув фабрикасида меҳнат қилади улар. Йилига ўртача 2450 тоннадан ип йигириб чиқараётган корхона муваффақиятига ҳар иккала опа-сингил муносиб улуш қўшишмоқда. Улар смена топшириқларини ортиғи билан уддалаб, калавалаш цехи ёшлари ўртасидаги ўзаро беллашувда пешқадамликни қўлдан бермаётирлар.

СУРАТДА: опа-сингил Ибодат ҳамда Бирозия Ҳайдаровалар иш устида.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

ЧИҚИНДИЛАР КАМАЙДИ

Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводида экология вазиятини соғломлаштириш комплекс программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ерда ҳавога зарарли моддалар чиқариб юбориш йил бошидан буён 50 тонна қисқартирилди.

Мазкур программани 1994 йилга қадар бажариш мўлжалланган. Лекин унинг анчагина қисми ҳозирнинг ўзидаёқ турмушга татбиқ этилди. Чунончи, қуйиш цехини қайта жиҳозлаш тугалланди, Чирчиқ дарёсига зарарли оқаваларни чиқариб юборишга амалда барҳам берилди. Экология жиҳатидан «ифлос» барча участкаларда мойни тутиб қолувчи мосламалар ва кокс фильтрлари ўрнатилган.

«Узбекхиммаш»да химикатлардан кенг фойдаланиладиган халқ истеъмол моллари цехи реконструкция қилинмоқда. Корхона мутахассислари ишлаб чиққан технология углерод оксиди чиқиндиларини анча камайтириш имконини беради. Машинасозлар шу мақсадлар учун 130 минг сўмдан кўпроқ пул сарфлайдилар.

Бу ерда сарф-харажат қилишда иккиланиб ўтиришмайди. Чунки атроф-муҳитни булғатишдан ташқари, корхона буниг учун табиатни муҳофаза қилиш органларига катта жарималар тўларди.

(ЎзТАГ).

Давлат муҳофазасида

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Совети маданий ва тарихий қимматга эга бўлган бинолар рўйхатини қайта кўриб чиқди. Уларнинг сони энди 251 тага етди.

Агар илгари кўҳна шаҳар марказидаги меморчилик ансамблларигина давлат муҳофазасига олинган бўлса, энди улар қаторига бир қарашда кўзга ташланмайдигандек, лекин Самарқанднинг алоҳида бир қиёфасини вужудга келтирадиган бинолар ҳам қўшилди. Масалан, шаҳарнинг тарихий қисмида жойлашган қадимий карвонсарой ва шарқ ҳаммоми шундай бинолардандир. Ўтган аср ўрталарида ва охирларида қурилган иморатлар ҳам рўйхатга киритилди.

Давлат муҳофазасига олинган бинолар капитал ремонт қилинади. Бу мақсадлар учун маблағ шаҳар ва йирик саноат корхоналари бюджетидан ажратилади.

(ЎзТАГ).

Ўзаро ёрдам

Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли мис эритиш заводи эритиш-прокат цехининг коллективи тақчил маҳсулот — чивиқ ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда қудратли стан фойдаланишга топширилди.

Мис қуювчилар илгари ҳам чивиқ тайёрлашарди. Лекин кам қувватли стан, эскириб қолган технология уни юқори сифатли қилиб тайёрлаш иконини бермасди. Сифатсиз маҳсулот чиқарилар, жамоа эса миллионлаб сўм йўқотарди. Ёрдам сўраб Иттифоқ вазирлигига мурожаат қилишдан наф бўлмади. Янги иқтисодий муносабатлар олмалиқликларга бу мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини кўрсатди.

Улар зарур қурилмалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган олмаоталик машинасозлар билан амалий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида келишиб олдилар. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг жамоага Сибирдаги бир қанча алюминий заводлари учун қозоғистонликлар планига киритилган эҳтиёт қисмлар тайёрлашни ўз зиммасига олди. Олмаоталик ишчилар бунинг эвазига графикдан ташқари стан тайёрлаб бериш мажбуриятини олдилар. Томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Энди Олмалиқ кон-металлургия комбинатида халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг фойдаланиладиган чивиқ мунтазам ишлаб чиқарила бошланди. Бу, жамоага барқарор даромадни ҳам таъминлайди, бу эса тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишланганида айниқса муҳимдир.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

МАКТАБДАГИ МАШ-МАША

«Вақтимизнинг асосий қисмини мактабда ўтказамиз, — дейди редакцияга шикоят йўллаган Бухоро шаҳридаги М. И. Калинин номли 11-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Лобар Баракаева. — Лекин овқатланиш учун мактабимизда шароит йўқ. Шакар йўқлиги сабабли ширин чой ичишдан маҳруммиз. Ошхонамизда қошиқ, стакан, стуллар етишмайди. Сифатсиз овқатларни ҳам тик туриб истеъмол қиламиз. Энг ачинарлиси шундаки, хом-хатала овқатлардан кўплаб ўқувчиларимиз турли касалликларга дучор бўлмоқдалар».


Ушбу шикоятни текшириш ва чора кўриш учун Бухоро шаҳар халқ назорати қўмитасига юбордик.

Яқинда Бухоро шаҳар халқ назорати қўмитасининг раиси М. Султонов имзоси билан қуйидагича жавоб олдик:

«Бухоро шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси Лобар Баракаеванинг шикоят хатини шаҳар халқ назорати қўмитаси, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси, умумий овқатланиш тресги ва халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда 11-мактаб директори М. Хўжаева ва аризачи иштирокида кўриб чиқди.

Мактаб ошхонасида столлар, стуллар етишмаслиги туфайли ўқувчиларнинг тик туриб овқатланишлари, узоқ навбат кутишлар, тайёрланаётган овқатларнинг баъзилари кам тўйимлили эканлиги аниқланди. Ўқувчиларни овқатлантириш учун етарли миқдорда шакар етказиб берилмаганлиги натижасида, уларга ширин чой берилмаган. Ҳозирги пайтда шакар етарли миқдорда етказиб берилмоқда. Шунингдек, мактаб учун қўшимча равишда 4 та стол, 16 та стул ва зарур миқдорда идиш-товоқ ажратилди».

Хорижден хабарлар



Миландаги атроф-муҳитнинг ҳаддан зиёд ифлосланаётганлиги жамоатчиликни ташвишга солди. Саноат чиқиндилари, муҳитни булғовчи бошқа заҳарли газлардан кишилар азият чекмоқдалар. Шаҳардаги айрим ноҳияларда ҳатто респиратор билан юришга аҳоли мажбур.

Сиз мана бу суратга эътиборни қаратинг. Шаҳар кўчаларидаги йўловчи ўзи ва ҳатто кучугига ҳам респиратор кийдиришга мажбур.

ТАСС сурат-хроникаси.

ПРУНСКЕНЕНИНГ ЛОНДОНДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

Лондон, (ТАСС). Литва Вазирлар Кенгашининг Раиси К. Прунскене Лондонга сафар қилди, у ерда Буюк Британия Бош вазири М. Тэтчер билан музокаралар ўтказди, мамлакат етакчи сиёсий партиялари раҳбарлари билан учрашди. У ўзининг бу сафарини Ғарбдаги бир қанча мамлакатларга қилган ташрифи доирасида ўтказди. Прунскене бу сафарлар чоғида Ғарб мамлакатларининг ҳозирги Литва раҳбариятининг сиёсатини аниқ-равшан қўллаб-қувватлашларига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Британия Бош вазири маҳкамасининг расмий вакили музокаралардан сўнг таъкидлашича, М. Тэтчер Литвада бўлаётган жараёнларни қўллаб-қувватлашини айтган, Вильнюс билан Москва ўртасидаги можарони бартараф этиш мумкинлигига «ишонч билдирган». Даунинг Стрит кўчасидаги 10-уй вакили шундай деди: «Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар соҳасида эришилган ютуқларни сақлаб қолиб Литва мустақиллиги масаласини амалий ҳал этиш йўли топилиши керак... Бундай ечимни музокаралар йўли билан топиш ва у СССРнинг ҳам, Литванинг ҳам манфаатларини қондириши керак».

Учрашув тугаганидан сўнг журналистлар ҳузурида сўзга чиққан К. Прунскене ўз томонидан Вильнюс «муросага эришиш учун» ҳаракат қилаётганлигини, шу жумладан, Литва Олий Шўроси кейинги пайтда қабул қилган бир қанча қонунларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга тайёр эканлигини уқтирди. Айни вақтда у Вильнюс билан Москва ўртасидаги музокараларда Литва мустақиллиги тўғрисидаги масаладан ташқари ҳар қандай муаммо муҳокама қилиниши мумкинлигини айтиб, Литва мустақиллигини бекор қилиш «мутлақо мумкин эмаслигини» таъкидлади.

Шу билан бирга К. Прунскене Литва иқтисодиёти ҳозир фалажлик чегарасида турганлигини тан олди. «25 майга бориб сўнгги нефть резервлари тугаши билан биз танг аҳволда қоламиз, деди у. — Ёнилғининг етишмаслиги натижасида енгил саноат корхоналари, транспорт ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари тўхтаб қолади». Журналистларнинг Ғарб ҳукуматларидан Литвага ёрдам бериш ҳусусида аниқ-равшан кафолат ололдингизми, деган саволига К. Прунскене «Ғарб бизга ёрдам беришга шошилмаяпти», деб айтишга мажбур бўлди.

Буни Буюк Британия давлат ташқи ишлар вазири У. Уолдгрейв ҳам тасдиқлади. У Прунскененинг Тэтчер билан учрашуви якунларини Британия парламенти жамоалар палатаси депутатлари ҳузурида шарҳлар экан, шундай деди: «Ғарб аслида иложи бўлмаган ёрдамни кўрсатишга қодирлиги ҳусусида литваликларда умид уйғотиш ниҳоятда масъулиятсизлик бўлур эди, аслида бу нореал ишдир».

ТАКСИ ҲАЙДОВЧИГА БЎЙИНБОҒ ШАРТМИ?

Лос-Анжелесдаги такси ҳайдовчилари қийин аҳволда қолдилар. Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб улар машина рулига уст-бошларига илгаригидек нима кийиб бўлса ҳам ўтирмайдиган бўлдилар, Шорти ёки жинси, очиқ рангли кўйлаклар, айниқса, спорт костюмлари ёки яна қандайдир бўлар-бўлмас беҳаё кийимларни кийишданку худонинг ўзи асрасин. Шунингдек, шиппак ёки шунга ўхшаш очиқ оёқ кийими, яланг оёққа туфли кийиш ҳам қатъий таъқиқланган. Калифорниядаги бу шаҳар муниципалитети қабул қилган қарорга мувофиқ такси ҳайдовчиларининг кийими бир хил рангда, иложи бўлса тўқ рангда бўлиши керак. Бу ерда ҳавонинг иссиқлиги ўттиз даражадан ортиб кетса ҳам улар кўйлакларини фақат иккитагина тугмасини ечиб қўйишлари мумкин. Таксомотор ҳайдовчилари дейилади, яна қабул қилинган қарорда, ўзларига доим қараб юришлари, улардан «ҳеч қандай ёмон ҳид» келиб турмаслиги шарт.

Такси ҳайдовчилари ўзларининг кундалик одатларини ташлаб бундай аҳволга тезда кўника олмасликларини ҳисобга олган муниципалитет уларнинг бу талабларга мослашишлари учун бир ой муҳлат берди. Бундан ташқари, юқоридаги қарорни қабул қилишга тайёргарлик пайтида айрим таксофирмалар ўз ҳайдовчиларини махсус кийим билан кийинтириш истагини билдирдилар. Мисол учун, оқ кўйлак, фирма нишони туширилган қора ёки қизил галстук, тўқ рангли шим (аёллар учун юбка), чап томонига нишон туширилган қора ёки қизил рангли свитер.

Маҳаллий такси ҳайдовчилари устидан шикоятлар кейинги пайтларда жуда кўплаб тушаётганлиги сабабли Лос-Анжелес шаҳри ҳокимлари ана шундай қарорга келишга мажбур бўлганлар. Бу шикоятлар худди биздагиларга ўхшаб кетади. Бу касб вакилларининг айримлари баъзида счетчикни ёқишмайди, баъзида ўзлари учун фойдасиз бўлганлиги сабабли яқин йўллардан юришмайди, баъзан эса йўловчилар билан қўпол муомалада бўлишади.

Айтмоқчи, обрў — бу фақат ахлокийлик ифодаси эмас. Шаҳарда обрў бўлмаса, туристик бизнес биринчи галда жабр кўради. Такси ҳайдовчилари эса шаҳар обрўсини кўтаришда асосийлардан бири деб ўзларини ҳисоблашади.

Шунинг учун ҳам Лос-Анжелесда такси ҳайдовчилар ўртасидаги жанжалларни камайтириб, уларга анча савлатли кийим-кечак жорий қилинган, маълумки бу уларни анча интизомли қилади.

Ҳаммаси шуми? — деб сўрашингиз мумкин. — Фақат кийим билан ноқобил одамнинг жиловини тортиб бўладими?

Йўқ, албатта. Америкада ҳам, худди биздагидек бузғунчиларга қарши янада кучлироқ воситалар билан таъсир этилади. Шунинг учун Лос-Анжелес шаҳри амалдорлари ўз қарорларида кийиниш қоидасини бузганларга анча салмоқли — 500 доллар жарима тўлашни алоҳида кўрсатганлар. Такси ҳайдовчи ишлаётган кампаниядан эса янада салмоқлироқ — 1500 долларгача жарима ундириб олинади.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Жорий қилинган махсус система бўйича жарима очколари йиғилиб қолса фирма кўплаб миқдорда пул тўлайди. «Агар компания ўз ҳайдовчиларини назорат қила олмаса, у бунинг учун жавоб бериши керак» — Кен Кюд бўлими вакилининг фикри ана шундай.

Мен такси ҳайдовчиларга боғлиқ бу янгиликка Калифорнияда бирор киши қаршилик кўрсатганини сезмадим. Аксинча, бу чораларга нафақат пассажирлар ва редакцион мақолалар муаллифлари, балки такси ҳайдовчилари ҳам яхши фикр билдирдилар. Улар ҳеч қандай жаримадан чўчишмайди.

Евгений ПОЗДНЯКОВ.
АПН мухбири.
Сан-Франциско.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТАЙЁРА БАЛИҚ БИЛАН «ТЎҚНАШИБ» КЕТДИ

● «АЛАСКА ЭРЛАЙНЗ» авиакомпаниясига қарашли тайёра ўз йўналиши бўйича учиб кетмоқда эди. Бирдан каттакон балиқни чангалига қисиб олган сув бургути унинг йўлига тушиб қолди ва тўқнашиб тайёра фюзеляжига урилди. Фюзеляж яхшигина пачақланди, лекин тайёра учишда давом этаверди. Фақат қанча зарар етганини ерга қўнгандагина билишди, деб хабар беради «Аляска» (АҚШ) жаридаси.

ТАТУИРОВКАГА ҚАРШИ

● БОСТОН мутахассислари татуировка (бадандаги ёзув ва расм)ни лазер нури ёрдамида йўқ қилишни тавсия этмоқдалар.

Дарҳақиқат, лазер нури татуировкани худди ўчиргич сингари ўчиради. Фақат унинг ўрни вақтинча сал оқариб қолади. Маълум вақтдан сўнг эса у ҳам умуман йўқолади.

Чехословакиянинг «Млади свет» жаридаси хабар беришича, операция жараёнида ҳеч қандай оғриқ сезилмайди.

ХАРАКТЕР РАНГГА БОҒЛИҚМИ!

● ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯЛИК зоолог, профессор Гельмут Хеммер характерлар рангга боғлиқ, деган фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Айниқса, мушуклар характерини жуда яхши билади. Унинг таъкидлашича, қора мушуклар жуда жаҳлдор, қизиқувчан, ва одамлар эркалашини ёқтиради. Оқ-қора рангдагилари эса ўйинқароқ, уй соҳибига тезда ўрганиб қолади, айниқса, болаларга. Йўл-йўл чизиқли мушуклар унинг акси. Малла ва оч қизғиш ранглилар лоқайд, совуққон осойишталик ва оромни ёқтирадиган, уйдан эшикка чиқмайдиган хилидан бўлади. Оқ мушуклар эса инжиқ, баджаҳл, салга жаҳли чиқиб кетади. Бу хабар Болгариянинг «Космос» жаридасида эълон қилинибди.

300 МЕТРЛИ ВАРРАК

● ЯҚИНДА Япониянинг Симидзу (Сидзуока перефектураси) шаҳри атрофидаги Михо соҳилида ҳаваскор варракчиларнинг халқаро мусобақаси бўлиб ўтди. Унда кўпчиликнинг эътиборини тортган нарса шу бўлдики, япониялик Иосито Эндо томонидан бўйи 300 метр келадиган варрак учирилди, 59 ёшли уста уни бир-бири билан кетма-кет уланган 450 та кичик варраклардан ясаган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

XX аср кундалиги

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА



Амирқул КАРИМ,

«Ёш ленинчи» рўзномаси катта мухбири

«Адашган ўғилнинг қайтиши»

ҲОЗИРГИ ДАВР ҳақида фикр юритилар экан, беихтиёр Рембрантнинг «Адашган ўғилнинг қайтиши» картинаси кўз ўнгимда намоён бўлади. Буюк мусаввир бу машҳур асарда тақдир тақозоси билан адашган, узоқ йиллар дарбадар юриб, афтода ҳолга тушиб қолган ўғилнинг ниҳоят ўз падари бузрукворн қошига қайтиб, тазарру ила унинг пойига саждаға бош қўйган лаҳзасини акс эттирган.

Бизнинг жамиятимиз ҳам узоқ йиллик мафкуравий адашишлардан сўнг умуминсоний қадриятлар сари қайтиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бироқ, қайта қуриш туфайли имконият туғилган бизнинг шароитда бу жараённинг нақадар суст кетаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Иқтисодиётдаги инқироз, миллатлар ўртасидаги низолар бунга сабаб қилиб кўрсатилаётганлиги ростлигини ҳам биламиз. Аммо, айрим сабабларни билишнинг ўзигина муаммолар олдини олиш учун, фаровонлик сари халқни олиб чиқиш учун кифоя қилмас экан. Ана шу туфайли ҳам халқ ҳукуматдан вазиятни соғломлаштириш сари кескин чоралар кўришни талаб этмоқда. Бу бекорга эмас, албатта. Зеро, кун сайин бозордаги озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг нархи ошиб бораётир. Меҳнаткашларнинг кун кечириши мушкуллашмоқда.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг жумҳуриятимиз ҳудудидан айрим маҳсулотларнинг олиб чиқиб кетилишини чеклаш тўғрисидаги қарори ана шу сабабли ҳам кўпчиликка тушунарли, ўз вақтида қабул қилинган қарор сифатида кутиб олинди. Бу қарор дастлабки кунларданоқ ўз самараларини бермоқда, десак иштибоҳ бўлмас. Чунки жумҳуриятимиз сарҳадидан олиб чиқиб кетиладиган кўпгина маҳсулотлар Ўзбекистонда қолдирилди. Уни жумҳуриятимиз фуқаролари ҳамда меҳмонлари истеъмол ҳамда истифода этишади. Қарорнинг самараси сифатида хусусан енгил автомобилларнинг бозор нархи бир қадар пасайганлигини ҳам таъкидлаш ўринли.

Кези келганда, шошилинч амалга оширилган бу тадбирлар вазиятни бутунлай яхшилаш имконини бермаслигини яна бир карра эътироф этишни истар эдик. Зеро, фаровонлик миллий даромаднинг талайгина қисми халқ истеъмоли учун сарфланганда, қолган соҳалар ҳам охир-оқибатда ана шу мақсадни кўзлагандагина қарор топади.

Кейинги ҳафталарнинг айрим кунлари жумҳуриятимизда байрамлар, сайлларга тўғри келди. Ленин таваллудининг 120 йиллиги, Бутуниттифоқ шанбалиги шулар жумласидандир. Байраму-сайллар азалдан халқнинг кайфиятини кўтаришга, уни янги, эзгу ишлар сари илҳомлантиришга қодирлиги билан қадрланиб келинади. Бу галги Рамазон ҳайити байрамини ҳам ана шундай ийдлар сирасига киритиш мумкин. Жумҳуриятимиз мусулмонлари ҳам халқни эзгуликка чорловчи, ҳалоллик ва покликни тарғиб этувчи дин байрамини ҳар ғалгидан ўзгача нишонладилар. Шу куни минглаб хонадонларда ўтганлар ёди хотирга олинди. Ўзаро муносабатларда меҳр-оқибат, инсонпарварлик, хушмуомалалик, меҳмоннавозлик тантана қилди. Биз бу фазилатлар турмушимизда барқарорлашишини тилаймиз. Кишиларнинг ўз виждон эркинлигини амалга ошириши бу ишда кўмак берар экан, динни ҳурмат қилиш жоиздир.

Шу ўринда бир нарсани қайд этишни истар эдим. Кишиларнинг эътиқодли бўлгани жуда ҳурматга лойиқ иш. Чунки бундай инсонни доимо тушуниш, унга ишониш мумкин бўлади. Бироқ, кейинги пайтда «художўй»ларнинг шундай тоифалари намоён бўлмоқдаки, улар ҳаракатини кузатиб, ҳайратга тушасиз. Оллоҳга тиловат қилиш улар учун кун бўйи ижтимоий ҳаётда йўл қўйган халқни талаш, бировнинг ҳақига хиёнат қилиш, нопок йўлларга юриш каби айбларига тазарру этиш жараёнидан иборат холос. Бундай тиловат дини исломни мутлақо тушунмасликдандир. Бундайлардан одамлар ҳақига хиёнат қилишдан, нопок йўлларга юришдан ҳазар қиладиган, бироқ, тиловат қилмайдиган кимсалар афзалроқдирлар. Ҳадисларда бу ҳақда ибратли фикрлар баён қилинган.

Ўтган ҳафтада жумҳуриятимизда яна бир байрам кенг тантана қилинди. Бу дунёдаги барча меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни 1 Майдир. Айтиш мумкинки, бу байрам ҳам қардош жумҳуриятлардагидек бўлмаса-да, ҳар ҳолда бир қадар янгича мазмун касб этди. Маълумки, 1 Май азалдан меҳнат кишиларининг ўз мамлакатлари ҳукуматига у ёки бу камчиликларни рўй-рост айтиш, айрим норозиликларни изҳор қилиш куни сифатида пайдо бўлган. Тузумимизнинг яккаҳокимлиги ҳамда турғунлик йилларида меҳнаткашларнинг май сайли моҳияти атайлаб тасқара ҳолга келтирилган эди. Бу кун партияга ҳамду сано айтиш кунига айлантирилди.

Бутуниттифоқ шанбалиги борасида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Беғараз меҳнат байрами сифатида туғилган шанбалик меҳнаткашларни текинга ишлатиш шаклига айланган, ундан тўпланган маблағнинг нималарга сарфланиши кўпчиликдан сир тутилар эди. Эндиликда шанбаликдан тушган маблағ ҳар бир жумҳуриятнинг ўзида қолдирилиб, ижтимоий-маданий тадбирлар, объектлар таъминотига сарфланадиган бўлди. Бу шубҳасиз кишиларнинг меҳнат самараларини ўз кўзи билан кўриб, яратилган бойлик адолатли, эзгу ишларга истифода этилаётганига ишонч туйғусининг қатъийлашишига имкон яратади. Дилида ўз ҳукуматига ишонч устивор мамлакат эса доимо қудратлидир.

Байрамлар силсиласида Андижондаги нохуш воқеалар кишини ранжитадиган даражада ноўрин бўлганлигини жумҳуриятимиз аҳли эътироф этаётирлар. Тўполонларга, тартиббузарликларга йўл қўйганлар ўз жазоларини оларлар. Бироқ назаримда бу фожеанинг асл сабаби ҳалигача бизда сиёсий онг, маданиятнинг етишмаслигидандир. Шунинг учун ҳам ёшларимиз айрим нопок кимсаларнинг иғвосига учиб, улар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолишмоқда. Акс ҳолда бу кўнгилсизликлар содир бўлмаган, ўзбек халқи шаънига номуносиб ишлар дилни хира қилмаган бўларди.

Адашишлар, хатолар улардан сабоқ олинсагина кечиримлидир. Йўқса тараққиёт ҳақида, миллат, иқтисодиёт юксалиши тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Рембрантнинг «Адашган ўғилнинг қайтиши» картинасига боқар эканман, тазарру этаётган ўғил энди эҳтиёткорроқ бўлишига, падари ўгитларини ҳисобга олишига ишонч туғилади юрагимда.

БИЗ ЮҚОРИДА жумҳуриятимиздаги сиёсий, ижтимоий воқеаларнинг айримларигагина эътиборни қаратдик, холос. Иқтисодий ҳаётимизда, хусусан қишлоқ хўжалигида баҳорнинг авжида ишлар қизғин бормоқда. Пахтакорлар чигит экишни тугаллаб, ғўзага дастлабки ишлов беришга киришдилар. Деҳқонлар бу ғанимат дамларнинг ҳар бир дақиқаси қадрли эканлигини чуқур англайдилар.

Наманган вилоятининг Задарё ноҳиясидаги қўриқ «Наманган» давлат хўжалиги деҳқонлари ҳам бу йил 3500 гектар ерга уруғ қадаб, 25 центнердан пахта хирмони уйиш ниятидалар.

СУРАТДА: «Наманган» давлат хўжалиги механизаторлари А. Абдираҳмонов ва М. Умаровларни кўриб турибсиз.

Сурат муаллифи Т. ҲАМРОҚУЛОВ.



МАМЛАКАТИМИЗДА



Рўзимбой ҲАСАН,

«Ёш ленинчи»»нинг ҚҚАССР ва Хоразм вилоятлари бўйича ўз мухбири

Пўртана

АПРЕЛЬ ОЙИНИНГ ниҳояларида Москва шаҳар Шўросининг сессияси бўлиб ўтди. Ошкоралик, демократия шарофати туфайли ҳаққоний сайловдан ўтиб, халқ ноиби гувоҳномаси олган депутатлар шаҳар Шўроси ижроқўми раисини сайлашди. Кўпномзод асносида Г. Попов энг кўп овоз олди. Хўш? Ҳамма гап шундаки, Гавриил Попов партиянинг «Демократик дастури» йўналиши намояндаси, Иттифоқ Олий Шўросида кўпчиликка «ёқмайдиган», кутилмаган таклиф-мулоҳазалар айтувчи, чет эллик мухбирлар таъбирича, академик Сахаровдан кейин парламентда Горбачевнинг фаол оппоненти. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, қайта қуришнинг «боласи», янгича фикрлайдиган киши. Кўппартиялик сиёсатининг мамлакатимиздаги дастлабки куртаги худди шу кишининг пойтахт мэрлигига сайланиши бўлди.

1 Майни узоқ йиллар дабдабали, «меҳнат зафарларига бурканган» ҳолда нишонлашга одатланиб кетгандик. Аслида Биринчи Май дунё меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни эканлигини, юз йил муқаддам Чикагода тинч намойишда миршаблар ўқидан ҳалок бўлган аёл хотираси туфайли тарихга кирганини унутиб қўйгандик. Мотам тантанага, маъракa тўйга айланганди. Доҳий номи билан аталувчи кўплаб Қизил майдонлардаги ҳукумат минбарларида партия, шўро раҳбарлари кашшофлардан гул олишар, кети узилмайдиган намойишчиларга мағрур қўл силкиб туришарди. Уларга «улкан ғалабалар», «қутлуғ зафарлар» ижрочиси сифатида дабдабали чақириқлар ташланар, «Урра» ҳайқириғи ер-кўкни титратарди. Бу ёқда эса кун ора хароб бўлиб борардик, иқтисод издан чиққан, экология тор кўчага кирган, пештахталарда шамол увиллайди. Сохта, сийқаси чиққан байрам бу йил янгичасига нишонланди. Ленинград шаҳрида Халқ жабҳаси меҳнаткашларнинг митингларини уюштирди, айрим жумҳуриятларда ҳар қандай дабдабадан воз кечилиб, ихчамгина бирдамлик йиғилишлари ўтказилди, холос.

Москвада эса... тарихимизда илк бор кутилмаган воқеа рўй берди. Одатга кўра тинчгина ўтаётган намойиш сафлари Ленин даҳмаси олдига келганда тўхтади. Турли мазмундаги шиорларни кўтариб олган минглаб кишилар пойтахтдаги хилма-хил партия, расмий, норасмий ташкилотларнинг аъзолари эдилар. Сафларда «Партаппаратни боқиш жонимизга тегди!», «Амалий иш — Ҳа! Қуруқ гап — Йўқ!», «Йўқолсин ...» ҳамда айрим раҳбарларнинг истеъфо берилиши талаб қилинган шиорлар бор эди...

Икки ойки дунё назарида энг «жангу-жадалли макон» — Литва жумҳуриятининг сиёсий мустақиллиги ўзининг илк «мева»сини берди. Бир томонлама ҳаракатга қарши ҳукумат бир томонлама чоралар кўрди: жумҳуриятни иқтисодий қамал қилиш бошланди. Газ ва бошқа табиий ёқилғилар билан ўзини-ўзи таъминлай олмайдиган бу кичкина жумҳуриятда нафақат ёқилғи, озиқ-овқат тақчиллиги ҳам ҳақиқатга айланди. Озиқ-овқат олиш учун талон усули жорий қилинди. «Ҳар қандай оғир шароитда ҳам тиз чўкишни истамаётган» Литва раҳбарлари четдан мадад излашга тушдилар: жумҳурият Бош Вазираси Амирқо Президенти Ж. Буш ҳузурига ташриф буюрди. Айни пайтда...

Айни пайтда Литванинг ён қўшниси бўлган Латвия ССР Олий Шўроси сессияси «эшак эшакдан қолса қулоғини кес» мақолига амал қилиб, Латвияни мустақил деб эълон қилди. Бу сессияда ҳам (эслатиб ўтамиз, Литва халқ депутатлари сингари Латвия халқ депутатларининг катта кўпчилиги Халқ жабҳаси тарафдоридирлар) Литва вариантининг айрим кўринишлари кўзга ташланди. Фарқи: сиёсий мустақиллик учун «ўтиш даври» белгиланди. СССР Олий Шўросининг жумҳуриятларнинг Иттифоқдан ажралиб чиқишини кафолатлаган махсус қароридан кейин бундай йўлдан бориш ҳам бирёқлама ҳаракат қилиш демакдир. Жумҳурият фуқаролари ўртасида Референдум-Сўров ўтказиш ўрнига бутун халқнинг тақдирини саноқли депутатлар бир неча соат ичида ҳал қилишди-қўйишди. Тўғри, сўров ўтказилди. Аммо, унда бир неча минг одам қатнашиб, асли туб миллат вакилларининг тўқсон фоизи, бошқа миллатларнинг эса қирқ фоизга яқини сиёсий мустақилликни маъқуллашликларини билдиришган. Хўш? Энди нима бўлади? Яна «қамал»ми? Фикримизча доно мақолдан юз ўгирмаслигимиз: «бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўймаслигимиз» — жумҳурият раҳбариятининг «метин ирода»сини халқнинг фожиасига, очарчилик, етишмовчилик, қасос олишдек ўттизинчи йилларнинг синалган усулларига юз буришдан сақланишимиз керак.

Ўтаётган ўн кунликнинг яна бир муҳим воқеаси: Арманистон Олий Шўросининг фавқулодда сессияси қабул қилган қарорлар бўлди. Сессия жумҳуриятда Ҳарбий Вазирлик тузди ҳамда Шўро Қўшинига баҳорги чақириқни бекор қилди. Нимага? Қўшиндаги аҳвол бугун барча миллат, элат вакилларини ташвишга солаётгани сир эмас. Биз бугун тинчлик замонида ҳатто афғон уруши давридагидан кўпроқ қурбонлар бераяпмиз. Остонадан ўйнаб-кулиб ҳарбийга кетган йигитларни темир тобутда орқага қайтариш одатий ҳодисага айланиб қолди. Ҳамманинг қўрққани: юртга келган тўй, бўлмаса ғўргайди...

Узоқ йиллар оммадан сир тутилган, етти қулф остида сақланган ҳарбийлар ҳаётига қайта қуришнинг ўта суст кириб бораётгани, мавҳумлик ҳамон ўз қиёфасини очишни истамаётгани — рўй бераётган фожиаларнинг бешиги. Шуни эътиборга олиб, арман биродарларнинг ҳолатига ҳам теран кўз билан боқа билиш керак...

Энг асосийси: Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллиги муносиб нишонланди. Авваллари бўлганидек, фақат тантаналар, мажлисбозлик, нутқ сўзлашлар, фахрий ёрлиқлар улашиш билан чекланилмади. Ҳар бир қишлоқда саноқли қолган уруш қатнашчиларига биринчи навбатда жумҳурият Президенти жуда катта эътибор қаратди: солиқлардан озод қилиш, моддий рағбатлантириш, ҳуқуқларини ошириш. Буларни аслида олдинроқ қилишимиз керак эди. Шу кунга етолмаган минглаб ота-боболаримиз олдида, уларнинг шон-шуҳратга беланган ҳаёти олдида юзимиз янада оқ бўларди. Қалбимизда жўш урган саховат, одамийлик, меҳр-шафқат анча кечикди...

ШУ ВОҚЕАЛАРНИ ўйлаб, жамиятимизда, мамлакатимизда, ботиний ҳиссиётимизда илк бора ҳаракатга келган ўзгаришларни пўртанага қиёсладик. Пўртана бўронни бошлаб келади. Бўрон — қайта қуришнинг, жамиятни тубдан ўзгартиришнинг мақбул воситаси. Фақат унинг шиддатини яхшилик сари буриб юбора олсак...

ЛЕНИНГРАД. Давлат музейи залларида очилган «Рус санъатида болалар портрети» кўргазмаси кўпчиликнинг диққатини жалб этмоқда. Ундан жой олган 400 дан ортиқ ҳайкалтарошлик, графика, мой-бўёқ асарлари ўзида XVII асрдан бугунгача бўлган даврни акс эттиради. Улар Ф. Рокотов, Д. Левицкий, В. Венецианов, П. Федотов, И. Репин каби машҳур санъат усталари ижодига мансуб.

Экспозицияни ташкил этишда Эрмитаж, Загорскдаги ўйинчоқлар бадиий педагогика музейи, Псковдаги тарихий меъморчилик ва бадиий музей-қўриқхона иштирок этишди.

СУРАТДА: Д. Левицкий асари олдида.

(ТАСС суратлавҳаси).



ХОРИЖДА



Болтабой ЮСУПОВ,

«Партия турмуши» жаридаси бош муҳаррири, халқаро шарҳловчи

Ақл-идрок тантана қилаверсин!

МАЙ ОЙИНИНГ дастлабки ҳафталарида халқаро ҳаётда ҳам диққатга сазовор бир қанча воқеалар рўй берди. Уларни ўз моҳият-эътибори билан жаҳон тараққиётида ўйнайдиган ролига қараб турлича таснифлаш мумкин. Лекин ҳаммасидан ҳам муҳимроғи шу орада меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги куни — Биринчи Май шарофати билан халқларнинг тинчлик, демократия, социализм, биродарлик учун кураш байроғи яна бир тутам юқорилаганлиги бўлди. Бу галги Биринчи Майнинг ўзгачалиги яна шунда ҳам аён бўлдики, ҳатто Жанубий Африка Жумҳурияти маъмурлари ҳам африкалик ишчиларнинг Биринчи Майни нишонлашларига биринчи марта расмий равишда рухсат беришди. Бутун мамлакат бўйлаб шу куни меҳнаткашлар Қизил байроқлар остида намойишларга ва митингларга чиқдилар.

Ойнинг биринчи ўн кунлигида жаҳон жамоатчилиги совет халқининг 1941—1945 йилларда гитлерчи фашистларга қарши Улуғ Ватан урушида қозонган тарихий ғалабасининг қирқ беш йиллигини тантанали равишда нишонлади. Маълумки, шу куни дунёнинг деярли барча қитъаларидаги ўнлаб давлатларни ўз комига тортган иккинчи жаҳон урушига Оврўпада хотима берилган эди.

Умумбашарий тафаккур халқаро тинчлик ва хавфсизлик учун курашни ҳамиша инсонпарварлик ва тараққиёт даракчиси сифатида идрок этади. Шу важдан буюк ғалабанинг 45 йиллиги куни — 9 майда ўзимизнинг юртимизда ҳам, хорижий дунёда ҳам немис фашизми ва япон милитаризмига қарши жанггоҳларда шон-шавкат намуналарини кўрсатганлар олқишланиб, бу курашларда ҳалок бўлган ватанпарварларнинг порлоқ хотиралари яна бир бор эсга олинди.

Лекин шуни ҳам эътироф этиш жоиздирки, иккинчи жаҳон уруши асоратлари ҳали халқлар ва давлатлар тақдирига ўз таъсирини кўрсатиб келяпти.

Ҳали 1989 йилнинг охирларига қадар ҳам ҳар иккала герман давлатининг бирлаштирилиши мумкинлиги назарий жиҳатдангина фараз қилиб келинган бўлса, шу йил 18 мартда ГДЖда бўлиб ўтган сайловлардан сўнг бундай бирлашувнинг ташқи сиёсий, иқтисодий ва ҳатто маънавий психологик жиҳатлари ҳақида жиддий равишда ўйлаб кўришга тўғри келиб қолди. Шу муносабат билан туғиладиган асосий саволга бир эътибор қилинг: Германия айни бир вақтнинг ўзида ҳам НАТОнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ва ҳам бетараф давлат бўла оладими? Германия Федератив Жумҳуриятининг канцлери Г. Коль Германия тупроғида ҳар доим фақат тинчлик бўлиши керак, деб айтди. Бу жуда яхши гап. Лекин ҳарбий блокка аъзо бўла туриб, шунга кўра ўз зиммасига ҳарбий блок аъзосига тегишли сира ҳам ноҳарбий бўлмаган муайян мажбуриятларни ола туриб, бетарафлик сиёсатини ўтказган давлат жаҳонда ҳали бўлмаган эди.

Шунинг учун ҳам май ойининг дастлабки кунларида тўртта ғолиб давлат — СССР, АҚШ, Англия, Франция ташқи ишлар вазирлари ГДЖ ва ГФЖ ташқи ишлар вазирлари билан биргаликда ҳар иккала герман давлатининг бирлаштирилишига оид масалаларни атрофлича муҳокама қилиш мақсадида Бонн шаҳрига тўпланишди.

Учрашув қатнашчилари ўз мамлакатларининг немислар бирлиги қурилишининг ташқи жиҳатлари хусусидаги принципиал нуқтаи назарларини баён этдилар. Музокаралар жараёнида қарашларнинг бир-бирига мос келган жиҳатларига ҳам, айрим масалалар бўйича, жумладан, бирлашган Германиянинг ҳарбий сиёсий мақоми хусусида турлича бўлган ҳолларига ҳам дуч келинди. Совет делегацияси бирлашган Германиянинг НАТОга аъзо бўлиб қолиши билан муроса қила олмаслигини баён қилди, негаки бу ҳол СССРнинг хавфсизлигига жиддий таъсир этган ва қитъадаги кучларнинг мувозанатига жиддий халақит берган бўлур эди.

Учрашув қатнашчилари «олтилик»нинг кейинги учрашувларини ташқи ишлар вазирлари даражасида Берлинда, Парижда ва Москвада ўтказишга қарор қилдилар. Якунловчи босқичда тўртта ғолиб давлатнинг бутун Германия ва Берлинга нисбатан ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги масалалари тартибга солинди.

Май ойининг дастлабки ўн кунлигида шарҳловчилар диққатини ўзига жалб этган воқеалардан яна бири Афғонистонда фавқулодда ҳолатнинг бекор қилинганлиги бўлди. Маълумки, 1989 йил февралида Афғонистондан Совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан сўнг, уч кун ўтгач бу ерда эълон қилинган фавқулодда ҳолат туфайли қонуний ҳукумат оппозициячи кучларнинг қуролли ҳаракатларига қарши курашда алоҳида ваколатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган эди, сўз эркинлиги, мамлакат бўйлаб эркин юриш чеклаб қўйилганди.

Май ойининг бошларида АҚШ президенти Жорж Бушнинг бу ерга хусусий шахс сифатида келган Литва ССР Вазирлар Кенгашининг раиси К. Прунскенени қабул қилгани ҳам жамоатчилик эътиборидан четда қолмади. Маълумки, К. Прунскене Литва ССР Олий Шўроси СССР Конституциясига зид бир қатор қонунлар қабул қилганидан кейин СССР Вазирлар Кенгаши томонидан иқтисодий таъсир чоралари кўрилгани сабабли жумҳурият иқтисодиётида юз берган танглик оқибатларини тугатиш учун АҚШдан мадад сўраб бу ерга келган эди. Биринчи май куни АҚШ конгрессп сенати маъмуриятни Литвага қарши «иқтисодий тазйиқ» тугамагунига қадар ҳатто СССР билан савдо битимини имзоламасликка ҳам даъват этган эди. Лекин Ж. Буш маъмурияти Совет Иттифоқига юксак технологик ечимлар асосида тайёрланган молларни экспорт қилиш борасидаги қатор чеклашларни олиб ташлашга қарор берганлиги орқали литвалик меҳмонни мустақиллик сари ҳаракат қилаётган битта Шўро жумҳуриятининг истакларини деб СССРдек улкан бир шерикни четга суриб қўймоқчи эмаслиги ҳақида тушунарли тарзда огоҳ қилди.

ХУЛОСА ҚИЛИБ шуни айтиш мумкинки, май ойининг дастлабки ўн кунлиги халқаро майдонда воқеаларга бой бўлди. Бир жойда янги президент сайланди, яна бирида ўлим жазоси бекор қилинди. Шарқий Оврўпа мамлакатларида қайта қуриш жамиятнинг турли соҳаларига кириб бормоқда ва ҳоказо. Хуллас, дунё кенг, унда ижобий, кишига хуш келадиган воқеалар қаторида гоҳо-гоҳо нохушлари ҳам юз бериб туриши ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ҳолатни инобатга олмаганда ҳозир фикран кўз олдимиздан ўтган дунёда юз берган воқеалар асосан халқларни тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш истаклари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигини баралла эътироф этиш мумкин. Қисқача қилиб айтганда, ҳозир халқаро муносабатларда ақл-идрок тантана қилмоқда. Иншоолло, ҳамма соҳаларда ҳам фақат ақл-идрок тантана қилавергай!

ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Остравада Чехословакия гўзаллари кўрик беллашуви бўлиб ўтди. Вилоятларда совриндор бўлган ўн тўрт гўзал «Чехословакия гўзали-90» унвони учун рақобатлашдилар. Мамлакатнинг энг соҳибжамол қизи деб ўн етти ёшли Рената Горецка топилди.

СУРАТДА: беллашув ғолибаси Р. Горецка.

АП-ТАСС телесурати.



«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

«Нишона»



З. Сафарова 1966 йилда Фарғона ноҳиясида туғилган. ТошДУ журналистика факультети 3 курс талабаси.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

Излайман

Еруғ тушлар тилайман сенга
Қўрқма, тушларингга кирмайман ҳечам.
Сенинг осмонингдан юлдуз сўрамам,
Ойсиз, юлдузсиз ҳам ёруғдир кечам.

Менинг тушларимга кирди оқ қушлар,
Сенинг тушларингда тулпор учганда
Оққушлар сафида мангуга кетдим,
Тулпоринг бирла сен булут қучганда.

Алдадим ўзимни, яхшисан, дедим,
Сенга табиатдан журъат тиладим,
Тилагим ижобат бўлмади, ўлди —
Муҳаббатнинг тахти синди — қуладим.

Қуладим! Оққушлар қўлимдан тутиб,
Мени бошладилар шеърият томон
Ҳайратнинг суратин чизмоқчи бўлиб,
Ранглар излаяпман, тиниқ нафармон.

НИЯТ

Қишлоқ аёлининг
тушларига ҳам
Пахта кирар, шу оппоқ
пахта.
Боласини тупроққа
берар,
Лек пахтани кўтарар
кафтда.
Нигоҳини узмас кетмондан,
Борар-келар йўли эгатлар,
Мардлигингиз қайга
йўқолди
Алпомишга қондош
эркаклар?
Чарчаб қолса сизларга
эмас,
Кетмонига суянар бўлди.
Пешонасин шўр
теридан-ей
«Оқ олтин»нинг плани
тўлди.
«Олтин» дедик, «олтин
қўл» дедик,
Биз олтиндан аёл ясадик.
Шу аёлнинг сочи
супурги,
Қўли косовлигин яширдик.
Тўтиқушга тутиниб
шогирд,
Роботларга саждалар
қилдик.
Пахта — бахтдир, — деган
шиорни
Ўша аёл бўйнига илдик.
Қишлоқ... Энди сенинг
аёлинг
Еруғ тонглар бекаси
бўлсин.
Қўлидаги жажжи чақалоқ
Ўзбекистон эртаси бўлсин.

Сени сирдош тутиб...

Сени сирдош тутиб
Шеърларинг сеҳрига кўмиб ташладим,
Қалбимнинг туйғусин.
Сени сирдош тутиб,
Шеърларинг сеҳри-ла қалам ушладим,
Кўзларимдан ҳайдаб,
Ғафлат уйқусин.
Сени сирдош тутиб,
Сенинг оламингга назар ташладим.
Бу олам берк экан
Мен учун бир умр!
Сирдошлик бахтини
Кимга инъом этди экан табиат?
Билмадим!
Биламан фақат,
Табиат сен бўлиб силайди
Унинг сочини!
Энди...
Энди менинг сочларимни
Армонлар силар...

Замира САФАРОВА.

ҚЎЛТИҚТАЁҚЛИ КИШИ

(ҲИКОЯ)

ОЛИФТАНАМО кийинган семиз аёлнинг ёнидаги лўппи юзли бола чинқириб йиғлайди. Қўлтиқтаёқли киши сув тўла ҳовузнинг бўйида тўпланиб турган оломонга қараб куйиб-пишиб бақиради:

— Ҳой, азизлар, болага раҳмларинг келсин, ахир! Коптокни ҳовуздан олиб чиқа қолинглар. Совуқдан ҳам одам қўрқадими?! Урушда мен Одердан сузиб ўтганман! Ўшанда ҳам шундай совуқ эди, лекин шамоллаганим йўқ.

Ҳамма бир-бирига қарайди.

— Сувга тушиш шарт эмас. Коптокни таёқ билан олса бўлади, — деган овоз эшитилади оломон ичидан.

Кимдир қор отади, лекин коптоk гирдобдан нарига чиқмайди.

Ранги ўчиб, эскирган телпагининг қулоқларини тушириб олган, бурни узун, соқоли бироз ўсган йигит устига сувдон ортилган эшагини етаклаб келиб, оломонга қўшилади. Нима гап экан, дея одамларнинг оғзига тикилади, йиғлаётган болага, бақириб-чақираётган қўлтиқтаёқли кишига ҳайрат билан боқади. Бурун тешиклари кенгайиб, қисқаради, очилиб қолган оғзидан оппоқ буғ чиқади, сийрак қошлари кўз устига соя солади.

— Шу ҳам иш бўптими?! — дейди нима ҳақда гап бораётганини билгач. Ёнидаги бурни оқиб турган болага эшак боғланган арқоннинг учини тутқаздида, кирланиб қолган қора чопонини ечиб, сўнг сувга киради.

— Э-э, ана, мард инсон топилди, — дейди аёллардан бири чийиллаб.

— Ия, бу ўзимизнинг Халил бурун-ку! Офарин, офарин! Шу чоққача қаерда эдинг?! Вой, овсар-ей!

— Эҳтиёт бўл, болакай, тағин шамоллаб қолма!

— Унинг куни доимо далада ўтади. Қўрқманг, шамолламайди. Хотинининг қўйнидан чиқиб келаётгани йўқ!

Оломон гурра кулади.

Халил бурун коптокни ҳовуздан олиб чиқиб, боланинг қўлига тутқазади.

— Йиғлама, опош бола! — дейди кичкинтойнинг юзини силаб.

Қўлтиқтаёқли киши чопонини Халил буруннинг елкасига ёпади.

— Буни кийиб олгин, ўғлим, усти-бошинг жиққа ҳўл бўлибди!.. Буни қара-я, одамлар шунчалик қўрқоқ, бепарво, лоқайд бўлиб қолишганми-а? Вой тавба-ей! Биттасининг ҳам юраги дов бермади-я! Агар, бизлар мана шунақа ландовур бўлганимизда борми, Гермонга ютқизган бўлардик. Мени мақтанаяпти деб ўйлама, тағин! Сенга раҳмат, ўғлим, мени жуда хурсанд қилдинг! Сен келмаганингда, мен бу кеча тинч ухлолмас эдим. Мен қўрқоқлар, ландовурлар, олифталар, пулпарастлар учун эмас, сенга ўхшаганлар учун қон тўкканман!

ОЛОМОН СЕКИН-АСТА тарқалади. Қўлтиқтаёқли киши сувдонни тўлдириш учун Халил бурунга ёрдамга шошилди.

Тўлқин ҲАЙИТ.

ТВ

13 МАЙ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари». 10.25 Спорт программаси: 1. Ёш спортчилар мактаби. Кураш. 2. Оғир атлетика бўйича ЎзССР мусобақалари. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж. 11.45 «Ана Бумбу келди». Бадиий фильм («Ленфильм»). 13.00 «Яшил чироқ» («Светофор») Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилояти командалари кўча ҳаракати қоидалари юзасидан баҳслашадилар. 14.00 «Алифбо сабоқлари». 14.35 Чолғу куйларидан концерт. 15.15 «Пойтуғ тўқимачилари». 1-кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Қуёш нури». Қўғирчоқ фильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.50 «Кино жавонидан». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Михаил Зощенко. «Турфа ҳангомалар». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Студент-ёшларнинг «Камолот» фестивали. 21.10 Катталар учун мультфильм. 21.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 Экранда — кинокомедия. «Осмондан тушган мерос» («Мосфильм»). 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Қўзғолончилик тарихи». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Ниҳоятда улкан фикр». 4-серия — «Тошқиннинг яширин нуқтаси ҳақида». 14.15 «Здоровье». 15.00 СССР — ГФР: ҳамкорлик қирралари. 16.00 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 17.00 «Марафон-15».

Якшанба кинозали

18.30 «Икки баҳодир». Мультфильм. 18.40 «Омадли». Бадиий фильм («Мосфильм»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Абадият ҳақида ўйлар. 21.15 «Империя». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар (Канада). Премьера. 22.55 А. Вивальди. «Йил фасллари». Франция телевидениеси.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 Ҳужжатли фильмлар: «Боғда, полизда...», «Экранда Сибирь». 8.15 «Сатурн»нинг тугатилиши». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 9.50 «Ёқутистон олмослари». Болалар хореографик ансамбли ҳақида. 10.20 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 10.30 «Уста». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм («Таллиннфильм»). Премьера. 11.05 «Она-замин ташвишида» туркумидан. «Васваса». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владивосток). 11.35 Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган ҳаваскорлик духовой оркестрлари Бутуниттифоқ конкурси қатнашчиларининг якунловчи концерти. 13.35 «Кимгаки қўшиқ ҳамроҳ бўлса». Ҳужжатли фильм. 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр В. Лисакович фильмлари. «Ҳеч бир шов-шувсиз», «Плюс минус мен». 18.10 «Дўстлик меридианлари». Поляк қўшиқлари XI Бутуниттифоқ фестивали. Луцкда зонал конкурс. 19.00 «Тикланиш». Ишлаб чиқарилаётган чолғу асбобларининг сифати ҳақида. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Енгин». 19.45 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Япония — СССР терма командалари. Япониядан кўрсатилади. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 Л. О. Утесов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган концерт. 22.30 Тинчлик велопойгаси. Чехословакиядан кўрсатилади.

Туҳфа

Абдулҳамид Мажидий номли Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театрининг ижодий жамоаси ўзининг ёш томошабинларини яна бир янги спектакль билан манзур этди. Бу болалар драматурги Л. Бобохоновнинг «Еттинчи жин» деб номланган эртак-пьесасидир.

Асар орқали ҳалоллик, поклик, меҳру-шафқат, дўстлик мадҳ этилади. Хиёнаткорлик, разиллик, қўрқоқлик, мансабпарастлик каби иллатлар эса кескин қораланади.

Спектаклни режиссёр Иброҳим Нурмонов саҳналаштирган. Асосий ролларни эса Самарқанд вилояти Ленин комсомоли мукофоти лауреати Абдуғани Абдураззоқов, истеъдодли артистлардан Асрор Жумаев, Фахриддин Аминов ва бошқалар моҳирона талқин этишаётир. Янги эртак-пьеса ёш санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Театрнинг бир гуруҳ ижодий жамоаси эса куни кеча Бошқирдистон мухтор жумҳуриятидаги ижодий сафардан қайтиб келди. Улар таниқли адиб, шоир, драматург Мустай Каримнинг 70 йиллик юбилей тантаналарида юбилярнинг «Ой тутилган тунда» фожиавий драмасини кўрсатишди.

А. ҲОШИМОВ.

БЕЗОРИЛИК ХУРУЖИ

7 май куни Москва вақти билан соат 17 да Ғарбий Қозоғистон темир йўлининг Караву лкелди станциясида Москвадан Самарқандга кетаётган 98-поездга безориларча ҳужум қилинди. Бир гуруҳ маст-аласт ёшлар поезд тўхтаб турган вақтда вагонларни тошбўрон қилишди, составга қарата ов милтиғидан икки марта ўқ узилди. Проводниклар бригадаси ва поезд йўловчилари безориларга қаршилик кўрсатишди — улардан икки киши ушланиб, маҳаллий милицияга топширилди. Хайрият, қурбонлар бўлмади.

Афсуски, бундай ҳодиса биринчи бор юз бериши эмас. Бутун йўл давомида поездлар хавфсизлиги қачон таъминланади, деган савол туғилади. Бу саволга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари жавоб беришлари керак.

(ЎзТАГ).



Қизлар баҳси



Куни-кеча Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театри томошабинлар билан гавжум бўлди. Бу сафар залга йиғилганлар бирон саҳна асарини кўриш учун эмас, балки «Болалар дунёси» чакана савдо фирмасининг «Балли, қизлар!»» беллашувини томоша қилишга келгандилар.

Театрга белгиланган вақтдан бирмунча вақтли келдим. Ҳали беллашув ишқибозлари ўриндиқларни тўла эгаллаб бўлишмаган эди. Фурсатдан фойдаланиб, пойтахт «Болалар дунёси» чакана савдо фирмаси фирқа ташкилоти котиби Ильгиза Усмоновага мурожаат этдим.

— Пойтахт ноҳияларида бир қанча филиалларимиз фаолият кўрсатмоқда, — дейди ҳамсуҳбатим. — Уларда 1012 нафар киши ишлайди. Сотувчилар ўртасида турли маданий-маиший тадбирлар ўтказишни йўлга қўйганмиз. «Энг яхши касб эгаси», «Биринчи иш ҳақини топшириш», «Совет Армияси сафига кузатиш» каби маросимлар шулар жумласидандир.

— Сўнгги пайтларда ишчиларимиз, уларнинг туриш-турмуши, кўнгилли дам олиши хусусида ўйламай қўйгандик, — дейди фирма директори Мақсуд Баҳовутдинович Сайфулин Ильгиза Усмонованинг гапларига қўшимча қилиб. — Яхшиямки, хатоимизни ўз вақтида англаб етдик. Ҳадеб, иш, план деявермасдан уни бажарадиганлар тўғрисида ҳам ўйлайдиган бўлдик. Ахир бугунимиз, эртамиз уларнинг қўлида-ку. Ҳолбуки, оилада, кўчада, ишдаги ходимларимизнинг кайфиятини билмасдан туриб, иш ривожи тўғрисида ўйлаш нотўғри бўлган бўлар эди.

Корхонамизнинг 90 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ўтган йилиёқ бундай беллашувларнинг ажойиб самара беришини кузатгандик. Уларда ғолиб, деб топилган 15 нафар қиз Болтиқбўйи жумҳуриятларида дам олиб қайтишди.

Директор билан суҳбатлашаяпману, ёнимиздан ўтиб кетаётган хотин-қизларнинг у билан илиқ саломлашишидан, корхона етакчисининг ишлари олчи эканлигини ҳис этдим. Улар гўё дўстлари, тенгдошлари, қадрдонлари билан мулоқотда бўлаётгандек очиқ, самимий эдилар.

—Биз бу тадбирлар орқали кўп нарсаларни билиб олдик, —дейди директор сўзида давом этиб. — Сотувчиларимизнинг дунёқараши, характери, муомаласи кўз ўнгимизда намоён бўлди. Шу билан бирга қатор камчиликларимизни билиб олдик. Беллашув шартларига мутахассислигимиз бўйича ҳам саволлар киритдик: савдо маданияти, харидор билан муомала.

Директор айтган гапларининг тасдиғини саҳнада кўрдим.

Эски шаҳардаги «Болалар дунёси» магазини сотувчилари беллашув иштирокчилари бўлишди. Улар Тошкент ҳамда жумҳуриятимиз шаҳарларидаги тарихий обидалар, савдо-сотиқнинг нозик қирралари, алла айтиш ва эркин темадаги шартлар бўйича беллашдилар.

Беллашувда атторлик бўлими сотувчиси Феруза Қодирова барча шартлар бўйича тенгдошларидан устун эканлигини намоён этди ва у беллашув ғолиби, деб топилди.

— Мен мана шу беллашув туфайли кўп нарсаларни билиб олдим, — дейди у. — Бундай тадбирлар касбимизни севишга, уни улуғлашга, жамиятимиз равнақига равнақ қўшишга хизмат қилади.

Ушбу беллашув фирма жамоасида, театр залига йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Бу тадбирга ёшларнинг ўзлари ташаббускор бўлганликлари ҳам эътиборга молик.

Қизлар баҳсида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов етакчилигидаги артистлар даврага файз бахш этдилар. Фрунзе ноҳиясидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ёшлик» ансамбли ҳам беллашувнинг қизиқарли ўтишига муносиб ҳисса қўшди.

Ушбу тадбир қайсидир бир томони билан жумҳурият миқёсида ўтказилаётган беллашувлардан фарқ қилиши мумкин. Бироқ бу ерда энг муҳими фирма жамоаси яхшигина ҳордиқ чиқарди. Ундан кўзланган мақсад ҳам шу эди.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: «Балли, қизлар» беллашувидан лавҳалар. МУАЛЛИФ суратга олган.







ШАҲАР МАРКАЗИДА... ЧОЙХОНА

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг август ойида Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ, Ўзсовпроф, Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси «Халқ уйи» деб аталмиш энг яхши лойиҳа — ғоя учун беллашув эълон қилган эди.

Айни кунларда жумҳурият Рассомлар уюшмаси кўргазмалар залида беллашувга келган ишлар намойиш этилмоқда. Ғоя ва лойиҳаларда шарқона чойхоналарнинг анъанавий қиёфаси акс этган. Чойхоналар эса, маълумки, қадимдан эски шаҳар меъморчилигида муҳим ўрин тутган ва у ҳануз аҳоли ўртасида катта мавқега эга. Беллашувни ўтказишдан мақсад ҳам шу: бўш вақтни мазмунли ўтказишда аҳоли манфаатлари ва анъаналарига мос келадиган, турли миллат ва кишиларнинг бевосита мулоқотига хизмат қиладиган, ҳам маданий, ҳам маърифий ҳордиқ чиқариш учун шарт-шароитларга эга бўлган, айтиш мумкинки, дангиллама даъватхоналарда амалга ошириш қийин бўлган тарғибот ишларини юргизиш мумкин бўлган маскан — чойхоналар имкониятидан бундан буён ҳам фойдаланиш мумкинлигини исботлашдир.

Бунга ишонч ҳосил қилишни истасангиз, марҳамат, Рассомлар уюшмасининг кўргазма залига ташриф буюринг.

ФЕРУЗА ШОМУЗАФФАРОВА.
Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ ижодкор ёшлар билан ишлаш бўйича шўъба мудири.

«Гапириб юрманг»

(ҲАЖВИЯ)

Шу-у-у, одамларга ҳам ҳайронсан. Бошлиқнинг бирор юмушини бажардингми, дарров сени лаганбардорга чиқаришади. Мана, мени ана шу тоифадагиларга қўшишибди. Нима, директоримиз Теша Болтаевичнинг сигирини суғорсам, қўшни жамоа хўжалигидан қўйларига беда келтириб берсам ёмон иш қилибманми?

Ҳа, неча ўзлари чақириб, «Келинойингиз ҳисоб-китобга нўноқроқ, шунга бозор қилиб келмасангиз бўлмаяпти», деб қолдилар. Нима дейман, ёзиб ўтирган ҳисоб-китобимни ёнимдаги Сатторбойга ташлаб бозорга чопдим. Сўнгра келинойимни дўкон-ма-дўкон олиб юриб, ноёб моллардан топишга ёрдамлашдим. Йўл-йўлакай гўшт, жиянларимга эса музқаймоқ олиб, тўғри уйга келдик. Қарасакки, нозик меҳмонлар келиб қолибди. Теша Болтаевич бизни роса кутиб ўтирган экан. Хуллас ярим кечагача меҳмонлар билан бўлдим.

Эрта тонг билан эса ойим соғган сутни олдиму, Теша Болтаевичларникига ташлаб ишга келдим. Хўш, бунинг қаери лаганбардорлик? Ахир Теша Болтаевич ҳам ўзларининг бошлиқларига у-бу нарсалардан олиб бориб турадилар-ку. Мана, куни кеча ўша каттаконимизга икки қоп гуруч, ана шунча ун, йигирма килограмм сариёғ ва янги чиққан ҳандалакдан бир қоп ташлаб келдик. Теша Болтаевич азбаройи ҳурмат қилганларидан у-бу нарсаларни олиб бориб турадилар-да. Лекин тушунмасдан, билмасдан туриб лаганбардор дейиш, яхши эмас.

Сизга айтсам, Теша Болтаевичнинг назарига тушсангиз эди, бошлиқнинг мендек ўнг қўли бўлиб юрардингиз. Аммо, бу бахт менга насиб қилган экан.

Ҳа, айтмоқчи, Теша Болтаевич ҳозиргина телефон қилиб, тўлғоқ тутган қизини туғруқхонага олиб бориш кераклигини айтди. Ростда, «тез ёрдам»га ишониб бўладими? Тезроқ қийналибгина ётган сингилжонимнинг ёнига бормасам бўлмайди! Тағин... А-а, ҳисоб-китоб нима бўлади, дейсизми? Сатторбой бор-ку, ўзи бир амаллаб туради. Хўп, мен кетдим. Тағин орқамдан лаганбардор, югурдак деб гапириб юрманглар.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Г — 03535. Д. — 23403.